

(?-1172-йил 17-март)
(1156-1172)

Ануштегинийлар сулоласидан бўлган Хоразмшоҳлар давлати ҳукмдори. Отсиз хоразмшоҳнинг ўгли. Эларслон аввал, салжукийлар султони Санжарга итоат этишини билдириб, нома ва совга-саломлар юборган. Султон Санжар Эларслонни хоразмшоҳ деб эътироф қилган. Султон Санжар вафотидан сўнг салжукийлар тахти учун кураш авж олган. 1163-йил Эларслон салжукийлар амирлари ичида энг кучлиси Муаййид Ой-Абога қарши Нишопурга юриш қилган, шаҳарни узок вақт камал қилиб ололмаган, сулҳ тузиб Хоразмга қайтган. Эларслон кўшинлари Дехистонни эгаллаган. 1166-йил Эларслон яна Нишопурга қарши отланган. Бистом яқинидаги жангда бирлашган салжуклар ва Отабек Элдегиз кўшини билан Эларслон кўшини ўртасида жанг бўлиб ўтган. Хар икки тараф бирон натижага эришмаган. Аммо хоразмшоҳ кўшинларнинг бир қисмини Байҳак ва Сабзавор шаҳарларига жўнатиб, уларни эгаллаган (1167-йил май). Эларслон Нишопурни забт этган. 1167-йил Хоразм кўшинлари Райдан ўтиб, Сова шаҳрига яқинлашган, султон Арслоншоҳ ва Отабек Элдегиз ўгли Жаҳон Пахлавон етакчилигидаги салжук кўшинлари билан жангга кириб, галаба қилган. Сўнгра Эрон Озарбайжонига бостириб кириб, Абхор, Занжон ва Казвинни эгаллаган. Эларслон, шунингдек, Мовароуннахр воқеаларига ҳам аралаша бошлаган.

Корахитойлар вассали Самарканд ҳокими Жалолиддин Али Чағрихон 1158-йил қарлуқларни тор-мор қелтирган. Қарлуқлар етакчиси Лочинбек бир қисм кўшини билан Хоразмга қочиб бориб, Эларслондан ёрдам сўраган. 1158-йил июлда Эларслон катта кўшин билан Самаркандга юриш қилган. Зарафшон дарёсининг бўйларидаги жангларда хоразмшоҳ зафар қучган. 1171-йил қорахитойлар кўшини Амударёдан ўтиб, Хоразм сарҳадларига кириб қелганда Эларслон тўғонларни очиб, пойтахт яқинидаги йўлларни сувга бостиришга фармон берган. Қорахитойлар хоразмшоҳ кўшинларини енгиб, амир Айёрбекни асир олиб Самаркандга қайтганлар. Хоразмшоҳ пойтахти Гурганжга қайтган ва ҳасталиқдан вафот этган.